

Коррупсия -тараққиёт күшандаси



Бугун Қумқұрғон тумани ҳокимлиги мажлислар залида Коррупсияга қарши курашиш туман Кенгашининг 2023-йил ИИ-ярим йиллигига мүлжалланган иш режаси тасдиқлаш ва ижросини таъминлаш мақсадида йиғилиш ўтказилди.

Унда туман Коррупсияга қарши курашиш Кенгashi аъзолари, халқ депутатлари туман Кенгашининг Суд-хуқуқ масалалари ва коррупсияга қарши курашиш бўйича доимий комиссияси аъзолари, ҳисбот берувчи мутасадди ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишда ташкилотлар раҳбарларининг коррупсияга қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган ишлар натижадорлиги бўйича ҳисботларини эшитилди.

Коррупсияга қарши курашиш ва коррупсион ҳолатларнинг олдини олиш борасида 2023-йил иккинчи чорагида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар бўйича чора-тадбирлар режаси белгилаб олинди.